

**ЖАМИЯТИМИЗДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ  
МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ**

**Юсупов Қурбонбой Хамраевич  
Жиззах Политехника институти  
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ассистенти**

**Аннотация:** *Ушбу мақолада кишилар онгли фаолияти табиий тарихий жараён, у кундалик аънанавий турмуш фаолиятидан таркиб топмайди, балки онги шуурига таъсир қилувчи восита ва омилларнинг мантиқан изчил ва шақлан хилма-хил ҳодисалари инъикоси кишилар қалбини жунбушига келтирувчи воқеликларнинг тафаккурида намоён бўлишига олиб келиши хусусида фикрлар билдирилган.*

**Калит сўзлар:** *маънавият, маърифат, таълим, тарбия, мафкура, Ватанга муҳаббат, қадрият, меҳр-оқибат, маънавий мерос.*

**THE ROLE OF NATIONAL SPIRITUALITY IN YOUTH EDUCATION IN  
OUR SOCIETY**

**YUSUPOV KURBONBOY KHAMRAYEVICH  
Jizzax Polytechnic Institute  
Assistant of the department "Uzbek language and literature"**

**Annotation:** *In this article, the conscious activity of people is a natural historical process, it does not consist of everyday traditional life activities, but the logically consistent and formative perception of different phenomena of the means and factors affecting the consciousness of the mind leads to the manifestation of the realities that stir the hearts of people.*

**Keywords:** *spirituality, enlightenment, education, training, ideology, love for the Motherland, value, kindness, spiritual heritage.*

**Кириш.** Инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий маънавий-ахлоқий негизлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли, халқ хизматида бўлишга, Ватан равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга,

Ўзининг онгли ва эркин мушоҳада қилувчи шахс сифатида камол топишига муттасил равишда ундайди. И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундаё ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи навбатда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман" [1].

**Адабиётлар таҳлили ва методологияси.** Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳар қандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Турли миллатлар маънавиятининг ўзига хослиги камалакдаги турли ранглар товланишига монанд бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради, бойитади, аммо инкор этмайди, бир сўз билан айтганда, маънавият элларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради. Аслида умуминсоний қадриятларни бирор-бир алоҳида халқ яратмайди, бу қадриятларни ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро турлича муносабатлар жараёнида элатлар, миллатлар бир-бирини тушуниб, ўзаро маънавиятларидаги умумий жиҳатларни тадрижий англаб боради.

**Муҳокама ва натижа.** Бутун дунё халқлари бир-бирини тушуниб яшашга интилмоғи лозим. Душманлик, ғайр кўзи билан қараш эмас, меҳр башариятни бирлаштиради. Бу улуғ ҳақиқатни бизнинг аждодларимиз аллақачон англаб етганлар. Аммо ўзгани тушуниш учун, ўзгага меҳр кўзи билан боқиш учун, аввало, инсон ўзлигини англаб етмоғи керак. Ўзлигини

англамаган зот ҳеч қачон ўзгани тушунмайди, уни холис қабул қилмайди. Асли миллий маънавиятимизга бугунги айрича эътибор ҳам ушбу ўзлигимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир. Биз миллий урф-одатларимиз, маросимларимизга баҳо бермоқчи бўлсак, бутун инсоният манфаатлари нуқтаи назарини, алоҳида шахс эркинлиги, Ватан ва миллат манфаатларини, миллий кадриятларимиз мажмуини яхлит уйғунликда олиб қарамоғимиз талаб этилади. Агар шу уйғунликка моҳиятан мувофиқ бўлса, ёхуд лоақал унга зид бўлмаса, демак, мақбул, аммо инсонлараро зиддият туғдирса, нифоқ солса, ёки ўзга шахс эркини бўғса, Ватан ва миллат манфаатларига зид бўлса, демак, мақбул эмас. Аммо миллий маънавиятимизни кадрлашимиз, уни ривожлантиришга уринишимиз, кимлардир талқин қилмоқчи бўлаётганидек, ўзга халқлар маданиятини менсимаслик ёки миллий худбинликка берилишни англамайди, балки узок йиллик қарамлик асоратидан қутулиб ўзлигимизга қайтиш, ўзлигимизни англаб етишга уринишни билдиради. “Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади” [2].

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар ҳил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Инсон ва жамият маънавият билангина тирикдир. Бугунги кунда “Агар жамият тана бўлса, маънавият унинг руҳидир” ибораси аксиомага айланяпти. Бинобарин, бу руҳ инсонни уюштиради ва илхомлантиради, орзу хаваслар сари етақлайди. Маънавият ақлли муносабат, журъат, онгли кураш асоси хамдир. Маърифатли халқнинг руҳи соғлом, нияти пок, тилаги эзгу бўлади. Ва аксинча маърифатсизлик халқни жаҳолат ботқоғига ботишига сабаб бўлади. Инсон онгли ҳолда ўзи танлаган, зарурий деб билган ва эътиқод қилган фаолият турини дастур қилиб олиши ва уни рўёбга чиқариши мумкин. Маънавият моддий ҳаётнинг инъикоси, ижтимоий эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида жамиятни ҳаракатлантирувчи кучдир [3].

**Хулоса.** Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, инсон ҳар доим ўз қалбига қулоқ тутиши, унинг унсиз садосини тинглай билиши ҳаётини заруратга айланиши зарур. Кишилар онгли фаолият давомида маънавият жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини яққол ҳис қила билишлари керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т., Маънавият, 2008, 28-бет.
2. А.Алланиязов “Мустақиллик шароитида халқимизнинг ғоявий тарбияланишининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари 5 май 2020 йил, 59-63 бетлар.
3. Г.А.Ҳайдарова, К.У.Пардаева, Б.Н.Гаппаров “Халқ педагогикаси”, “Тафаккур” нашриёти, Тошкент. 2009 йил.